



ПОЧТА ТИЗИМИНИ ДАРОМАДЛИ СОҲАГА АЙЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 октябрь куни миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Почта тизимини хат, жўнатма ва товарлар етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш орқали соҳа барқарорлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. “Ўзбекистон почтаси” АЖ тизимиди мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олган 2 мингдан зиёд бўлинма, 7 минг нафар ходим бор. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида почта хизматининг ўрни пасайиб кетди. Хусусан, сўнгги ўн беш йилда 1 минг 300 та почта бўлинмаси ёпилган. Утган йили хориждан келган 6 минг тонна жўнатмаларнинг атиги 10 фоизи, курьерлик хизматларининг 30 фоизи миллий почта ҳиссасига тўғри келган.

Шу боис, жойлардаги аҳвол ўрганилиб, Осиё тараққиёт банки экспертлари иштирокида почта тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тайёрланди. Йиғилишда ушбу чора-тадбирлар Сергели, Янгикўрғон ва Тошкент туманлари почтаси мисолида тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари почта тизимини ривожлантириш учун уни даромад келтирадиган соҳага айлантириш зарурлигини таъкидлади. Хусусий операторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшимча хизматларни тақдим этиш орқали почта бўлимлари даромадини ошириш мумкинлиги айтилди.

Масалан, ҳозирги кунда электрон савдо ривожланмоқда. Интернет орқали сотиб олинган товарни эгасига етказиб беришга доим талаб бор. Қолаверса, юртимизга кириб келган халқаро ташувчи компанияларнинг худудларда филиаллари йўқ. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, почта жўнатмалари ва маҳсулотларини яқиний манзилга етказиб беришни йўлга қўйиш яхши самара беради.

— Почта соҳасидаги энг асосий вазифа одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдир, — деди Президент.

Йиғилишда яқиний манзилга етказиш тизимини туманларда тажрибадан ўтказиб, келгуси йил 1 мартдан вилоят

марказларида, 1 июлдан мамлакат бўйича жорий этиш режаси белгиланди. Бунинг учун жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган ахборот тизимини ишга тушириш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, йил якунига миллий онлайн савдо майдончасини жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Бу тизим орқали тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотини республика бўйича савдога чиқаради, миллий оператор уларни манзилга етказиб беради. Бунда “Ўзбекистон почтаси” харидор ва сотувчи ўртасида кафили бўлади. Шу мақсадда келгуси йили Тошкент шаҳрида логистика марказини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Соҳа даромадини таъминлаш учун яна бир манба — унча мураккаб бўлмаган давлат хизматларини почта бўлимларида ҳам йўлга қўйиш. Шу нуқта назардан, “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг олис худудлардаги 300 та бўлинмасида 13 хил давлат хизмати

кўрсатишни ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Шунингдек, дастлаб Сергели, Янгикўрғон ва Тошкент туманларидаги почта бўлинмаларида нақд пул инкассацияси, пластик карта амалиёти каби банк хизматларини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Сўнгги тўрт йилда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти томонидан матбуот тарқатиш ҳажми 3 баробарга камайиб, унинг жами матбуот тарқатишдаги улуши 13 фоизни ташкил этмоқда.

Мутасаддиларга босма нашрларни қўллаб-қувватлаш учун матбуот тарқатиш тизимини ривожлантириш, даврий нашрларга онлайн обуна хизматини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Янги почта хизматларини йўлга қўйиш учун ходимларни қайта тайёрлаш, почта биносини давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлар билан бирга ишлатиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

ЎЗА

Интервью

ЗАМОНАВИЙ ПОЧТА ТИЗИМИ ОДАМЛАРНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛАДИ



Почта тизимини жўнатма ва товарлар етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш орқали соҳанинг барқарорлигини таъминлаш бугуннинг муҳим талабидир. Айти пайтдаги вазият йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида бу тизимда муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатмоқда.

Президентимиз томонидан миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу борадаги қўрилиш керак бўлган чора-тадбирлар хусусида сўз юритилди. Жойлардаги аҳвол ўрганилиб, Осиё тараққиёт банки экспертлари иштирокида почта тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тайёрланди.

▶ Давоми 2-бетда

Президент ташрифидан сўнг

ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ҲАМ КЎНГЛИ ТОҒДЕК КЎТАРИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доимигдек кўтаринки руҳ билан, катта умидлар оstonасида қарши олинди.



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида 18 йил Раислик қилган Ўзбекистон Қаҳрамони Муса Ерниязов вафоти барча юртошларимизни чуқур қайғуга солди. Лекин ҳаёт давом этади. Қорақалпоғистондаги ислохотлар бардавом бўлиши керак.

Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди. Сессияда Оқсоқоллар кенгашининг қарорига мувофиқ, Жўқорғи Кенгес Раиси лавозимига Мурат Камалов номзоди тавсия этилди ва яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

Давлатимиз раҳбари ташрифи чоғида худуддаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан ҳам танишди.

Бугун донишманд қорақалпоқ халқи кенг қўламли ислохотлардан, эзгу ташаббуслардан руҳланиб, янги марралар сари интилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

Муносабат

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС — МУНОСИБ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Инсон доимо юксаклик ва мукамалликка интилиб яшайди, ижод қилади. Бунда унга фақат икки буюк феномен ҳодиса ёрдам беради: биринчиси — ишонч, иккинчиси — маънавий мардлик. Шу боис, ҳар бир одам, пировардида бутун жамият ўзига бўлган ишонч ва маънавий мардлик туфайли оғир шароитларда ҳам зафар кучади. Агар аксинча бўлса, қалби, онгу тафаккурида заррача иккиланиш, хавф бўлса, у маҳв этилади.

Биз сўнгги уч-тўрт йил ичида ана шу ишонч ва маънавий мардлик томон юз бурдик. Қолаверса, бизнинг яқин ва узоқ муқаддатларга мўлжалланган режаларимиз мамлакат миллий манфаатлари ҳамда халқимиз эҳтиёжларига муносиб, уйғун бўлгани учун ҳам улар ҳаётини ва табиини. Зеро, биз ўз мақсад ва режаларимизни ҳис-туйғулар, ҳавоий гаплар ёхуд но-



реал имкониятларга қараб эмас, аксинча, бугунги мавжуд реаллик, халқимиз куч-қудрати, унинг ақл-заковатига қараб тузгунимиз.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев айти пайтда ўз стратегик дастурларини ишлаб чиқишда бугунги кундаги глобал

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентини таваллуд айёми билан самимий табриклаб, унга мустақкам соғлиқ, фаровонлик ва янги муваффақиятлар тилади.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, тарих, маданият ва аъналар муштараклигига асосланган стратегик шериклик муносабатларининг бугунги даражасини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Коронавирус тарқалиши билан боғлиқ мураккаб даврда пандемия оқибатларини енгиб ўтишда ўзаро ёрдам кўрсатилмоқда. Тожикистон томони ушбу хавфли касалликка қарши курашда кўрсатилган амалий ёрдам учун миннатдорлик билдирди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида товар айирбошлаш ҳажмлари ортапти, худудлар ва тадбиркорлар ўртасида кооперация кенгаймоқда.

Давлат раҳбарлари ўтган ойда бўлиб ўтган қатор икки томонлама тадбирларнинг самарали натижаларини юқори баҳоладилар. Хусусан, Хукуматлараро комиссиянинг

навбатдаги мажлиси ҳамда бизнес-форум, илмий-амалий конференция, парламент аъзолари ва зиёлилар учрашувлари муваффақиятли ўтказилди, қўшма ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий объектлар очилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари икки мамлакат ҳукуматларига кенг қўламли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда бўлажак саммитини янги кун тартибиди ҳар томонлама пухта тайёрлаш бўйича “йул харитаси”ни ишлаб чиқишга топшириқ бердилар.

Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Телефон мулоқоти сўнггида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонга мамлакат сиёсий ҳаётдаги муҳим тадбир — жорий йил 11 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

Сухбат ҳар доимигдек самимий, очик ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Ҳамжиҳатлик

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ХАЛҚЛАРИНИНГ АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

ҳамиша яшнаб тургувчи дарахт илдизидек мустақкам

Замонамизнинг атоқли адиблари Одил Ёқубов ҳамда Пиримқул Қодиров билан ўтган асрнинг 60-йилларида танишганман. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Беруний номидаги Қўлёзмалар институти қироатхонасида аспирантурада дастхат ўқиётган кезларимда кўпинча Одил ака билан Пиримқул ака ҳам Улугбек ва Бобур ҳақидаги сарчашмаларни мутолаа қиларди. Саволу жавоблар жараёнида Пиримқул ака билан устоз-шоғирддай яқинлашиб қолиб, ҳаммиса Шарқ мумтоз адабиёти, адабий алоқалар ҳақида суҳбатлашардик. Қуйидаги суҳбат бундан ўн йилча олдин ана шундай учрашувлар асносида тузилган эди.

▶ Давоми 5-бетда

Президент таширидан сўнг

ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИАТЛАРДАН ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ҲАМ КЎНГЛИ ТОҒДЕК КЎТАРИЛМОҚДА

Бошланғич 1-бетда



Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини халқимиз қизгин кутиб олди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ташири бунёдкорликлар, халқ фаровонлиги ортисининг янги истиқболларини бошлаб беради.

Бугун Қорақалпоғистоннинг янгиланган қиёфаси, иқтисодий тараққиёти ва фаровонлигига қараб туриб, узок ва яқин тарихни кўз олдимизга келтирамиз. Ажиниёз бобомиз "Ер ҳам эл биландир, эл ҳам ер билан...", "Хўш, омон бўл, биздан қолдинг, Бўзатов..." дея қуйлаган армонлари мустақиллик йилларида рўёбга чиққанини Мўйноқдаги ислохотлар, Бўзатов тумани қайта ташкил қилиниб, фаровон бир ҳудудга айланаётгани мисолида кўришимиз мумкин. Жўқорғи Кенгес сессиясида республиканинг янги раҳбари сайланди. — Бугун қорақалпоқ элини, туپроғини, имкониятларини яхши билган, халқ таниган, турли масалаларни ҳал қила оладиган етакчини сайлаб олишимиз керак. Бердақ бобомизнинг доно сўзлари билан айтаганда: "Халқнинг ғамини ўйлаган, Юрт ғамхўри керак менга", деди давлатимиз раҳбари. Президентимиз ҳозирги мураккаб пайтда раҳбар бўлиш осон

эмаслигини, Қорақалпоғистонни ривожлантириш бўйича бошланган ишлар 2-3 қарра кўпайтирилиб даром эттирилишини таъкидлади. Президентимиз Қорақалпоғистонда маданият, санъат, адабиёт йўналишларида белгилаб берган устувор вазифалар биз, ижодкорларни янада тўқилантирди. 2021 йилда Қорақалпоғистонда Ёшлар фестивалини, Бўзатов туманида Ўзбекистон шоир ва ёзувчиларининг анжуманини ўтказиш, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Тўлепберген Қайипбергеновнинг уй-музейини ташкил қилиш бўйича билдирилган тақдирлар маънавиятимизни янада бойитишга хизмат қилади. Айниқса, Нукус шаҳрида барпо этилган опера ва бахшичилик мактаб-интернати ҳузурда бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармиси ҳам ташкил этилиши аждодларимиз асрлар давомида эътибор келган ноёб санъатни дунёга кенг тараннум этиш, ёшларимизнинг

паррандани кўпайтириб, гўшт нархини арзонлаштириш чораларини кўриш юзасидан ҳам қатор топшириқлар берилди. Президентимиз Қорақалпоғистонда маданият, санъат, адабиёт йўналишларида белгилаб берган устувор вазифалар биз, ижодкорларни янада тўқилантирди. 2021 йилда Қорақалпоғистонда Ёшлар фестивалини, Бўзатов туманида Ўзбекистон шоир ва ёзувчиларининг анжуманини ўтказиш, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Тўлепберген Қайипбергеновнинг уй-музейини ташкил қилиш бўйича билдирилган тақдирлар маънавиятимизни янада бойитишга хизмат қилади. Айниқса, Нукус шаҳрида барпо этилган опера ва бахшичилик мактаб-интернати ҳузурда бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармиси ҳам ташкил этилиши аждодларимиз асрлар давомида эътибор келган ноёб санъатни дунёга кенг тараннум этиш, ёшларимизнинг

унга қизиқишини оширишда муҳим омили бўлади. Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрининг янада қуркам, обод, замонавий қиёфа касб этиши юзасидан аниқ кўрсатмалар берди. — Тошкентда нима янгилик бўлса, Нукусга келиши керак, — деди Президентимиз. — Янгица ишламасак, замон қабул қилмайди. Шу билан бирга, Президентимиз ҳар бир депутатнинг, сенаторнинг халқ олдидаги масъулиятини яна бир бор эслатди. Сенатга Орол инқирози муаммоларини бартараф этишга қаратилган барча масалалар ижросини назорат қилиш бўйича кўмига тузиш вазифаси қўйилди. Кўмига раҳбарлиги шахсан Сенат раиси зиммасида бўлиши, бу ишга барча сенаторлар, депутатлар жалб қилиниши белгиланди. Бу Оролнинг қуриган ҳудудда экологик вазиятни яхшилаш, халқаро ташкилотлар билан ишлаш, ишлаб чиқилган барча лойиҳалар ўз вақтида бажарилишини назорат қилишда катта аҳамиятга эга.

ЗАМОНАВИЙ ПОЧТА ТИЗИМИ ОДАМЛАРНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛАДИ

Бошланғич 1-бетда



Шўҳрат СОДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазири:

— Йўғилишда яқиний манзилга етказиш тизимини туманларда тажрибадан ўтказиб, келгуси йил 1 мартдан вилоят марказларида, 1 июлдан мамлакат бўйича жорий этиш вазифаси белгиланди. Бунинг учун жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган ахборот тизимини ишга тушириш кераклиги таъкидланди. Почта тармоғини техник-коммуникацион йўналишда ташкил этиш масаласи кўрибди. Масалан, ҳозирги кунда электрон савдо ривожланмоқда. Интернет орқали сотиб олинган товарни эгасига етказиб беришга доим талаб бор. Шундан келиб чиққан ҳолда, жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган ахборот тизимини ишга туширишга эътибор қаратилди. Иккинчи йўналишда тармоқнинг моддий-техник базасини ташкил этиш, энг асосийси, банк тизими ва электрон тижорат йўналишида мутахассисларни жалб қилган ҳолда кадрларни ўқитиш зарурлиги қайта эътиборга олинди. Имкониятлардан оқилона фойдаланиб, почта жўнатмалари ва маҳсулотларни яқиний манзилга етказиб беришни йўлга қўйиш одамларнинг оғирини енгил қилиш, тизимда ишларни янги босқичга кўтаришда қўлланган самарани беради.



Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ бош директори:

— Давлатимиз раҳбари йўғилишда янги хизмат ва технологияларни жорий этиш орқали почта фаолиятини тубдан ислох қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Жойларга чиққан ҳолда туманлар кесимида қандай ўзгаришлар қилиш ҳамда бу қандай натижаларга олиб келиши мумкинлиги муҳокама қилинди. Почта алоқаси тармоғини сақлаб қолиш, янги иш ўринлари яратиш, чекка кишлоқларда ашовчи аҳолига почта орқали давлат хизматлари ва маълум базавий банк хизматларини тақдим этиш, электрон тижоратни ривожлантириш ҳисобига жўнатмалар ва даромадни ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бундан келиб чиқадики, бу тизимга ахборот технологияларини кенг жорий, бунинг учун тегишли ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш, тегишли дастурий мақсадларни жорий этиш зарур. Электрон тижоратни жорий этиш учун эса миллий онлайн савдо майдончаси, "Ўзбекистон почтаси"нинг миллий почта тўлов тизими, почта тизимини саралаш, жўнатиш, етказиб беришни автоматлаштириш учун тегишли тузилма ишлаб чиқиш, ҳудудларда почта алоқа тизимларини электр транспортлари билан ташминлаш, биноларини замонавий кўринишга келтириш ҳамда "Ўзбекистон почтаси" референдингини амалга ошириш каби қатор вазифалар кўзда тутилган.



Одилхон РУСТАМОВ, Тошкент тумани ҳокими:

— Бугунги йўғилиш йиллар давомида эътибор қаратилган миллий почта тизимини ислох қилиш зарурати ва бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифаларга бағишлангани билан аҳамиятлидир. Давлатимиз раҳбари томонидан бу борадаги муаммолар уртага ташланиб, уларнинг ечимини бўйича аниқ топшириқлар берилди. Хусусан,

"Ўзбекистон почтаси" АЖнинг олис ҳудудлардаги 300 та бўлинмасида 13 хил давлат хизмати кўрсатишни ташкил этиш, дастлаб Сергели, Янгиқўрғон ва Тошкент туманларидаги почта бўлинмаларида нақд пул инкассацияси, пластик карта амалиёти каби банк хизматларини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Тошкент туманида йил охирига чет эл тажрибасини жорий қилиш, почтани А нуктадан Б нуктага қадар рақамлаштириш белгиланди. Бундан қўзланган асосий мақсад почта тизимини рақамли ва "ақлли" иқтисодийга ўтказишдан иборат. Шу жиҳатдан, туманда бу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириб, 300 дан ортқ янги иш ўрни ҳамда замонавий почта тизимини яратиш кўзда тутилган.



Бибихан УТАМБЕТОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёева бугун ҳаётиндан рози бўлиб яшаётган мўйноқликлар, бахтли фарзандлари учун қувонаётган хотин-қизлар номидан миннатдорлик билдираман.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва халқнинг қўллаб-қувватлаши билан Орол денгизи атрофида ўрмонзорлар барпо этилмоқда. Оролга ҳаёт қайтаётган шу кунларда халқ ишончи ҳам муштақамланмоқда. Мўйноқ яна яшармоқда. Бунда барча камарбаста бўлаётгани ҳам оғиз бирлигимиз намунаси. Бизга янги ҳаёт тақдим этилди, халқ жипслашди. Мўйноқликлар туманимизда юз бераётган ҳар бир янгиликни қувонч ва ифтихор билан қарши олмақда. Президентимизнинг Қорақалпоғистонга, айниқса, Мўйноқ туманига эътибори ўзгача. Бизда яхши яшаш учун зарур бўлган барча имкониятлар мавжуд. Айниқса, Мўйноқ халқаро аэропортининг очилиши халқимиз учун қувонаётган соғва бўлди. Авваллари кўпчилик Тошкентга боришни ҳавас қилар эди. Ҳозир Тошкентни мақтаган одамга бунинг барчаси Мўйноқда бор, янги Ўзбекистон тимсолини Мўйноқда кўрса бўлади, дегим

келади. Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ҳар бир ташири катта янгиликларга бой бўлади. Бу балги таширида ҳам барча соҳаларни жадал ривожлантириш бўйича келгуси 3 йилга мулжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани айтилди. Унга қўра, ҳар бир туманда 2 тадан фаолият тури ўзига хос "ўсиш нуктаси" этиб белгиланди. Бунда мазкур "ўсиш нукталари" бўйича тадбиркорлик субъектлари 3 йил муддатга ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналарнинг айланмасидан олинадиган солиқ, яқна тартибдаги тадбиркорлар даромад солиғидан озод қилинадиган бўлди. Бундан ташқари, тараққиёт даражаси паст бўлган Тахтақўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида янгидан ташкил этиладиган санъат корхоналарига ҳам 3 йил муддатга солиқ ва боғжона имтиёзлари берилди. Бу, албатта, Қорақалпоғистоннинг янада гуллаб-яшнаши, аҳоли яхши яшашини унуд муҳим имкониятдир.



Бақберген СИРИМБЕТОВ, Қорақалпоғистон халқ жирои:

— Донишманд қорақалпоқ халқининг ўтмиши, озу-умидлари, элпарварлик ҳисси қадимий оҳанг — бахшичилик санъати орқали қуйланган, асрлар оша сайқал топиб келмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташири чоғида буюк қорақалпоқ халқи маданияти ва санъатига юксак эътиром, дея эътироф этилаётган Нукусдаги опера ва бахшичилик мактаб-интернати фаолияти билан танишганида ҳам рамиий маъно бўлди. Зеро, Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги барча халқлар ва элатлар қадриятларини тиклаш, ривожлантириш, асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратиб келади. Қадимий фольклор айналарини, тарихий мактабларини тиклашда жонбозлик кўрсатади.

Нукус шаҳрида опера ва бахшичилик мактаб-интернати қурилиши барчамиз учун қувончли янгилик бўлди. Бахши-жировчилик қорақалпоқ халқининг қадимий санъат турларидан бўлиб, ушбу халқ фольклори бахши-жировлар томонидан қуйланиб, устоз-шогирд анъанаси орқали бизгача етиб келган. Бунинг кунда ёшларимизнинг ушбу соҳага бўлган қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда. Қорақалпоқ жировларининг тарихи жуда қадимий. Сопасли Сипира жировдан бошлаб, Қарам жиров, Нағим жиров, Есемурат жиров, Бердимурат жиров ва ўтган асрдаги Жумабай жиров, Жақселик жировлар халқимиз орасида машҳур бўлган. Биз фахр билан айтадиган қорақалпоқ халқининг 100 томлик фольклори янгидан нашр қилинди. Бундай миллий маънавий бойлик жуда ҳам учрайди. Бу халқимизнинг бой маданий меросини тарихидир. Бугун бахшичилик ва жировчилик мактабининг тикланиши ушбу меросимизни асраб-авайлашга, келажак авлодга етказишга ёрдам беради. Шунингдек, ёшларимиз асрлар давомида сақланиб келаётган достонлар, терма ва туловларни ижро қилишни давом эттириш мақсадида олис овулардаги қўбилитиларни кашф этиш учун Шуманай, Эллиққалъа, Мўйноқ ва Кўнгиртда ҳам ушбу мактабнинг филиаллари очиладиган бўлди.

Қувватбой ҲИЛОЛОВ, "Ўзшаҳарқурилишвест" инжиниринг компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими бошлиғи:



— Президентимиз ташири чоғида Нукус шаҳридаги Муштақил маҳалласида 7 та 16 қаватли уй ҳамда 16 қаватли ИТ-парк қурилиши лойиҳаси тақдими ўтказилди. Айтиш керакики, 16 қаватли уй-жой Нукус шаҳрида илк марта қурилмоқда. Барпо этилаётган бу уйлارнинг

олдингиларида афзаллиги маҳаллий қурилиш материалларининг ишлатилгани ҳамда энг сўнги технологиялардан фойдаланилганидир. Шунингдек, Татайиб қўчасидаги янги турар жой мажмуаси замонавий андозалар асосида, элизилабардеш қурилиш материалларидан бунёд этилмоқда. Ташқи деворлар 3 қаватли энергетик жамғарматериалдан иборатлиги боис, хонадонлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади. 160 та хонадонга мулжалланган 2 та 16 қаватли уй келаси йили фойдаланишга топширилади. Президентимиз янги уйнинг шоурумида бўлиб, уларда яратиладиган шароитлар билан таниди. Қурилиш-монтаж ишларида нимадирга эътибор қаратиш лозимлиги борасида аниқ тақдир ва топшириқлар берди.

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ҳар бир ташири катта янгиликларга бой бўлади. Бу балги таширида ҳам барча соҳаларни жадал ривожлантириш бўйича келгуси 3 йилга мулжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани айтилди.



Қутлумурод ПАНАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси чорвачилик уюшмаси раиси, фермер:

— Қорақалпоғистон шароитида оилавий кооператив фаолиятини йўлга қўймоқдамиз. Оилавий кооператорларга уй, ферма қуриб берилади. Агроном ва фермерларни ҳам жалб этамиз. Хуллас, ҳамма шароитини яратамиз. Натижада муъжазгина чорвадорлар

пайдо бўлади. Дастлабки лойиҳамизни Қўнғирот туманидан бошлади. Бу ҳудуддаги 12 та фермада оилавий чорва кооперацияси ташкил этилди. Бунда ҳар бир оила ўзининг 100 бош қорамолига эга бўлди, уларга яшаш учун жой хозирланди ва озиқ-овқат етказиб берувчи иккита ферма ташкил қилинди. Шунингдек, бу ерда сутни қайта ишлаш заводи ҳам қурилади. Кооперациянинг ичида меҳмонхона, савдо дўкони ва замонавий мол базори мавжуд. Давлатимиз раҳбари чорвачиликда оилавий кооперацияларни йўлга қўйиб, паррандани кўпайтириб, гўшт нархини арзонлаштириш чораларини кўриш муҳимлигини таъкидлади. Ҳудудда ер ва сувнинг аниқ ҳисобини юритиш, бунга ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Сабит ТОЛЕПОВ, "Қорақалпоқбалиқсаноат" МЧЖ директори ўринбосари:

— Корхонамизга Нукус шаҳридан 1,2 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, ҳозир йилга 200 тонна балиқ ва 5 минг тонна озуқа ем тайёрлаяпмиз. Тovuк ва товук емини тайёрлаш, балиқ тозалаш, дудлаш ва филесини ишлаб чиқариш цехлари ишлаб турибди, балиқни сақлаш жойлари тайёрланган, шунингдек, балиқчилик соҳасида керакли бўлган махсус техникалар олиб келинган. Бу каби ишларни амалга ошириш, қўшимча қурилиш ишларини бажариш учун "Ипотека-банк" АТИБ Қорақалпоғистон филиали томонидан зарур кредит маблағи ажратилди. Бу маблағлар ҳисобидан "Қорақалпоқбалиқсаноат" МЧЖ томонидан йиллик қуввати 200 тонна балиқ этиштириш имкониятини берувчи ёпиқ сув айланма тизими тўлиқ ишга туширилди. Бу тизим инкубация даврида 50 миллион дона личинка чиқариш қувватига эга. Шулардан 5 миллион дона личинка биз учун етарли бўлиб, қолгани бошқа табиий ва сунъий сув ҳавзаларига етказиб берамиз.

Балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида котлет, тефтель, фарш ва дудланган балиқ, ярим тайёр маҳсулотларни санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ишлаб чиқара бошладик. Лойиҳанинг аҳамияти шундаки, корхонада ёпиқ сизимда интенсив усулда балиқ етиштирилади. Яъни сувдан тақдоран фойдаланиш эвазига катта ҳажмда сув тежаллади. Масалан, 200 тонна балиқ етиштириш учун оддий шароитда 1,5 миллион куб метр сув сарфланса, бу ерда 250 куб метр етарли. Бу Қорақалпоғистон учун жуда муҳим. Корхонамиз асосан қарп балиқларини етиштиришга ихтисослаштирилган. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасидаги балиқчилик йўналишида табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқларни боқишда сифатли оқсилларга бой ер ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда. Бундан ташқари, 2,5 тонна балиқни қайта ишлаш ва сизими 1000 тонналик музлаткич билан тўлиқ таъминланган.

мактабини очиб бўйича топшириқ берди. Бу эса эллиққалъалик ёшлар қалбига янги умид ва мақсадларни жўшурди. Шунингдек, "Ақчақул" бўйида барча қўлайликларга эга 300 ўринга мулжалланган дам олиш маскани барпо қилиш бўйича берган топшириқлари туризм ўчоғига айланаётган туманимиз учун айни мuddада. Барчангизга маълум, Эллиққалъа тумани эраимиздан олдинги I-IV асрларга тегишли тарихий қалъалари билан машҳур. Бу ернинг ҳавоси, сўлим табияти меҳмонларни, сайёҳларни доимо ўзига мафтун этиб келган. Бу каби ташаббусларнинг амалга ошиши яқин келажакда туманимизнинг туризм салоҳиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Президентимиз Опера ва бахшичилик мактаб-интернати ривожлантириш бўйича устувор йўналишларини белгилаб берди. Биргина мисол, Эллиққалъа туманининг ўзида мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича амалий ишлар бошланди кетди. Биз билламыз: бола тарбияси, унинг билим олиши учун бу соҳа жуда муҳим. Чунки чекка-чекка кишлоқларда ҳам Ўзбекистонимизнинг келажиги бўлган ўғил-қизлар камол топмоқда. Президентимиз туманимизда Болалар ва ўсмирлар спорт

Президентимиз Опера ва бахшичилик мактаб-интернати ривожлантириш бўйича устувор йўналишларини белгилаб берди. Биргина мисол, Эллиққалъа туманининг ўзида мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича амалий ишлар бошланди кетди. Биз билламыз: бола тарбияси, унинг билим олиши учун бу соҳа жуда муҳим. Чунки чекка-чекка кишлоқларда ҳам Ўзбекистонимизнинг келажиги бўлган ўғил-қизлар камол топмоқда. Президентимиз туманимизда Болалар ва ўсмирлар спорт

Мадияр ЕЛМУРАТОВ, ИТ-паркнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори:

— Президентимиз ҳудудларда АКТ ривожига шароит яратиш, жойларда Тошкентдаги ИТ-парк филиалларини ташкил этиш бўйича вазифаларни белгилаб берган эди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ИТ-парклар очила бошлади. Жумладан, 2019 йилда Қорақалпоғистон Республикасида 4 та парк Нукус шаҳри, Қонлиқўл, Мўйноқ ва Беруний туманларида фаолиятини бошлади. Бугунги кунга қадар 1300 дан ортқ тингловчи компьютер технологиялари бўйича

билимларини ошириш ва сертификатларга эга бўлди.

Қолаверса, жорий йилда Эллиққалъа ва Амударё туманларида келажак касбларини қулай ўқитиш учун барча зарур шароитлар билан жиҳозланган яна бир ИТ-парк очилди. Мазкур ИТ-парклар замонавий компьютерлар билан жиҳозланган хоналарни, киберспорт ва робототехника билан шуғулланадиган залларни ўз ичига олган. Нукус шаҳрида барпо этилаётган ИТ-парк 16 қаватдан иборат бўлиб, 2021 йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Бу ерда ахборот технологиялари бўйича мутахассислар қишлоқ хўжалиғи, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиқ, таълим, туризм, маданият,

қурилиш ва транспорт каби соҳалардаги турли истиқболли лойиҳалар устида иш олиб борилади. Шунингдек, рақамли технологиялар ўқув маскани, коворкинг маркази, ўқув ва киберспорт хоналарида ёшлар малакаси оширилади.

Давлатимиз раҳбари мамлакат ёшларини бу ҳудуднинг ҳаёти билан таништириш мақсадида келаси йили Қорақалпоғистонда Ёшлар фестивалини ташкиллаштириш тақдирини билдирди. Белгиланган бу аҳамиятли вазифалар ижросини таъминлаш аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, Қорақалпоғистонни янги босқичда ривожлантиришга хизмат қилади.

Ижтимоий адолат тизими

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ — барча учун очик даргоҳ



2016 йилнинг 28 декабрь куни давлатимиз раҳбарининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Хужжат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда Президент Халқ қабулхоналари тузилди.

Ушбу фармон ўша йили 4 декабрда бўлиб ўтган сайловда ишончли тарзда ғалаба қозongan давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган илк тарихий ҳужжатлардан бири бўлган эди.

Президентимиз ташаббуси билан вилоят, шаҳар ва туманларда ташкил этилган Халқ қабулхоналари аҳоли билан мулоқотнинг муҳим воситасига айланди. Президентнинг Жиззах вилояти Пахтакор тумани Халқ қабулхонаси мудири Абуҳаким Худойбердиев кўйидагиларни сўзлаб берди:

— Авваллари юрдошларимиз баъзи маҳаллий идораларнинг масъуллари ва мутасаддиларининг эътиборсизлиги туфайли ўзларини қийнаётган, ташвишга солаётган масалаларни ҳал қилиш учун ҳатто вилоят марказларини ҳам четлаб ўтиб, пойтахтга боришга мажбур бўларди. Бугун эса Халқ қабулхоналари шундай овозгарчиликларга барҳам беряпти. Шу билан бирга, улар фақат одамларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш билан шугулланмасдан, балки тегишли идоралар, жойлардаги масъуллар билан ҳамкорликда мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал қилишда ҳам бевосита иштирок этмоқда. Қисқаси, жуда кўп масалалар жойларда зудлик билан ҳал бўлаётди. Ушбу тизим аҳолининг чинакам таянчи ва суянчига айланганини туманимиз мисолидаги факт ва рақамлар билан далилламоқчиман.

Пахтакор шаҳрида яшовчи Ирода Юсупова бизга мурожаат қилиб, "темир дафтар"да рўйхатда турган, 7 кишидан иборат катта оиланинг энг ёши катта аъзоси ўзи эканини маълум қилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш нияти борлигини билдириб, бу борада амалий ёрдам сўради. Туман Халқ қабулхонаси ташаббуси билан яқна тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Унга "Мирзаҷул текс" МЧЖнинг ҳомилиги асосида 8 та замонавий тикув машиниси ажратиб берилди. Ирода хозирда 10 нафар қизни иш билан таъминлаган, уларга тикувчилик сирларини ўргатмоқда.

"Ғалаба" маҳалласида яшовчи эҳтиёжманд фуқаро Санобар Жонибекова ногирон боласини операция қилишга маблағ етмаётгани учун кўмак сўради. Халқ қабулхонаси аралашуви билан мазкур оила раҳбари доимий ишга жойлашди ва унга фарзандини

тибий амалиётдан ўтказиш учун туман ҳокимлиги томонидан 6 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилишига эришилди.

Еки бошқа бир мисол. Фуқаро М.Мамадалиева оилавий шароити оғирлиги сабаб Олмалик шаҳридаги манзил колонияда жазо муддатини ўтаётган ўглини Жиззах вилоятидаги шундай муассасалардан бирига ўтказишда ёрдам сўради. Муштарак онанинг ушбу сўровномаси ҳам

55 фоизи жойида ижобий ечим топди. Кўпгина мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва маълумот бериш орқали ҳал этилди. Бу борада, айниқса, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи секторида эришилган натижа — мурожаатларда кўтарилган камчиликларнинг 85 фоизи шу ернинг ўзида бартараф этилгани эътиборга молик.

Туман Халқ қабулхонаси секторлар раҳбарлари билан ҳамкорликда тасдиқланган жадвалга асосан, шу кунгача ҳудудларда ёшлар билан 86 марта сайёр қабул ва учрашув ўтказилди. Тадбирларда 10 минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. 316 нафар ташаббускор ёшнинг турли мазмун ва мавзудаги ариза ва таклифлари ижобий ҳал қилинди.

Шу йилнинг 30 июлида Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эълон қилинган эди. Хужжатга биноан, пандемия шароитида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтожлар рўйхати киритилган оилаларга республика бюджетидан бир марталиқ моддий ёрдам пули берилиши, шунингдек, муқаддас



ижобий ечим топди. Таклифимиз билан шу кунларда маҳкум Х.Мамадалиевнинг ўғлининг қолган жазосини енгилроғига алмаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

Ўтаётган йилнинг орта қолган даврида туман Халқ қабулхонаси ташаббуси билан секторлар раҳбарлари томонидан жойларда 56 марта сайёр қабул ўтказилди. Ушбу тадбирлар юртимизда давом этаётган пандемия сабаб барча карантин талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилди. Уларда 280 нафардан ортиқ фуқаро ўзини ташвишга солаётган, ўйлантираётган масалаларни кўтариб чиқди.

Ариза ва шикоятларнинг салмоқли қисми суд-ҳуқуқ, уй-жой, яқна тартибда уй-жой куриш учун ер ажратиш, табиий газ, электр таъминоти, тоза ичимлик сув, иш билан таъминлаш каби соҳаларга алоқадор бўлди. Уларнинг туман бўйича ўртача

Қурбон ҳайити байрами муносабати билан эҳтиёжманд ҳамюртларимизга маблағ ажратилиши белгилаб қўйилди. Ушбу фармоннинг ижросини назорат қилиш эса Халқ қабулхоналари ва Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилди.

Айни кунларда бу борада ҳам иш олиб бораёмиз. Афсуски, ўрганиш жараёнида айрим мутасаддиларнинг ўзгара ёрдами ва эътиборига муҳтож инсонлар ҳақида хиёнат қилиши ҳоллари ҳам қайд этилди. Бундай фактларни тумандаги сектор раҳбарлари эътиборига етказдик. Уларда келтирилган камчиликлар бартараф қилиниши, айбдорлар тегишли жазосини олишига умид қилиб қоламиз.

Худойберди КАРИМОВ
эъиб олди.

Фармон ва ижро



Наманган шаҳридаги 9 та давлат органи ва ташкилотининг юридик хизматлари штатларини қисқартириш ҳисобига Наманган шаҳри адлия бўлими ҳузурида 5 та штат бирлигидан (бошлиқ ва етакчи юрисконсулт лавозимлари) иборат давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилди.

НАМАНГАНДА ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Хайрулло СОБИРОВ,
Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий қонунчилик базасини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш, қонун устуворлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни ошириш жараёнида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида юридик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилиши зарур бўлган ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб бориши юридик хизмат соҳасини такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда.

Айнан шу мақсадда Президентимиз жорий йилнинг 19 май куни "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонни имзолаган эди. Унинг ижроси юзасидан 17 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини эксперимент тартиқсида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан давлат органлари ва ташкилотларига сифатли юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Наманган шаҳри, Қарши шаҳри ва Андижон вилоятининг Марҳамат туманида эксперимент тартиқсида туман (шаҳар) адлия бўлимлари ва

ҳузурида давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш марказларини ташкил этиш белгиланди.

Мазкур марказлар бюджетдан молиялаштирилмаган туман (шаҳар) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига ташкил этилади. Шунингдек, тегишли ташкилотда қонун ҳужжатлари билан юридик хизматларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширади.

Хусусан, Наманган шаҳридаги 9 та давлат органи ва ташкилотининг юридик хизматлари штатларини қисқартириш ҳисобига Наманган шаҳри адлия бўлими ҳузурида 5 та штат бирлигидан (бошлиқ ва етакчи юрисконсулт лавозимлари) иборат давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилди.

Давлат органи ва ташкилотлари буйруқлари, фармойишлари, шартномалари, юридик тусдаги бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш, фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш марказининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат органлари ва

ташкилотларининг мулкий ҳамда бошқа манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларда ўтказиладиган текширувларда иштирок этиш ҳам марказнинг вазифасига қиради. Энг муҳими, марказ ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида узаро ишни ташкил қилиш ягона электрон тизим орқали амалга оширилади.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, марказ туман (шаҳар) адлия бўлимларининг таркибий бўлинмаси сифатида фаолият юритиб, бевосита тегишли вилоят адлия бошқармасига бўйсунган. Шунга мувофиқ, ўтказилган танлов натижаси бўйича Наманган шаҳри адлия бўлими ҳузурида давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш марказига 5 нафар малакали ходим ишга қабул қилиниб, жорий йилнинг 2 октябрь кунидан иш фаолиятини бошлади.

Таъкидлаш керакки, жорий этилаётган бундай янги тартиб юридик хизмат ходимларини ўзи хизмат кўрсатаётган давлат органи ва ташкилотининг раҳбариятига бўйсунув ва қарамлиқдан холис қилиб, қонун доирасида эркин фаолият юритишига мустақкам замин яратяди. Шунингдек, қонун бузилишлари, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширувчи экспертизадан ўтказиш, фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш марказининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат органлари ва

Пресс-тур

ИЧИМЛИК СУВ СИФАТИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА



Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш катта куч ва меҳнат талаб қиладиган жараён. Ичимлик сувнинг озгина қисмини зарарсизлантириш учун ҳам бир неча босқичдан иборат тозалаш ишлари амалга оширилади. "Ўзсувтаъминот" АЖ томонидан Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Қодирия" бош сув иншоотида ташкил этилган пресс-тур давомида журналистлар мазкур жараёнларга бевосита гувоҳ бўлди.

1969 йилда қурилган "Қодирия" бош сув иншооти пойтахт ва унинг атрофидаги ҳудудларни ичимлик сув билан таъминлайди. Аввалига 250 минг куб метр суви қайта ишлашга мулжалланган иншоотнинг қуввати кейинчалик амалга оширилган таъмирлаш ишларидан сўнг бир неча баробар ошди. Ҳозир бу ерда бир суткада 1 миллион 800 минг куб метрдан зиёд ичимлик сув тозаланиб, аҳолига зарарсизлантирилган ҳолда етказилмоқда.

Суви тозалаш ишлари тиндиригиларни ишга солишдан бошланади. Бу ерда Бўзсув каналидан олинган сув таркибидagi лойқалар 8-10 мг/дм³ гача тиндириб берилди. Сўнг суяк аччиқтош (коагулянт) ёлдамда ҳавза тубига чўктирилади. Лойқа сув ажратиб олинган, махсус қувурлар орқали айланма каналга ташланади.

— Тиндиригилар бош томонига ёғочдан ясалган тарновлар ўрнатилган бўлиб, улар суяк ҳолдаги аччиқтошни бир маромда тақсимлайди, — дейди иншоот бош муҳандиси Абдусамод

Абдусаломов. — Коагулянтлар сув таркибидagi кўм, тупроқ, лойқалик ва муаллақ жисملарни бириктириб, чўкиш жараёнини тезлаштиради. Лойқалик микдорига қараб, доза бериш ишлари навбатчи кимёгар кўрсатмаси асосида амалга оширилади.

Иншоотда жами 8 та сув қувури мавжуд бўлиб, барчасига сув сарфини электрон ҳисоблаш ускуналари ўрнатилган. Иншоот электр энергиясини 6 та муқобил манбадан олади.

Шунингдек, "Қодирия" бош сув иншооти 2 та сув тиндириш ҳавзаси, реагент ҳўжалиги, 2 та сув кўтариш станцияси, сизотлаш, хлорлаш бўлимлари, тоза суви насақлаш ҳавзалари, оқова сув узатиш насос станцияларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига юклатилган вазифани занжир тарзида кетма-кет бажаради. Масалан, насос станциялари тиндирилган ва бирламчи хлорланган суви сизотлаш (фильтрлаш) бўлимига кўтариб берса, 3 та бўлимдан иборат сизотлаш биносида фильтрланган катта ҳажмдаги сув махсус

қувурлар орқали тоза сув сақлаш ҳавзаларига узатилади.

Технологик жараённинг сўнги — хлорлаш босқичида тиндирилган сув хлор билан зарарсизлантирилади. Мазкур бўлим 2 та секцияли омборхонадан иборат бўлиб, хлорни тақсимлаш ишлари махсус ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Шундан сўнг истеъмол учун тайёр сув тоза сув сақлаш ҳавзалари орқали шаҳар тармоқлари тизимига узатилади.

— Бундан ташқари, иншоот манбаларидан олинган сув намуналари икки қисмдан иборат кимё-бактериология лабораториясида O'zDst 951-2011 стандарти асосида 40 га яқин кўрсаткич бўйича таҳлил қилинади, — дейди иншоот лабораторияси мудири Дилдора Шомаксудова. — Навбатчи лабораторияда куну тун давомида сувнинг қисқа таҳлиллари олиниб, сифати доимий назорат қилиб борилади. Бу жараёнларнинг бири пойтахт аҳолисига тоза ва сифатли ичимлик сув етказиб беришни таъминлайди.

Янги корхона



Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Юртимизда бунёдкорлик қўлами йил сайин кенгаймоқда. Узоқни ўйлаб, ҳудудларда урбанизация жараёни амалга ошириляпти. Мазкур жараёнлар эса қурилиш соҳасини янада такомиллаштириш, ракамлаштириш, энг муҳими, шафқофликни таъминлаш, замонавий технология ва хориж тажрибасини жалб этиш, шаҳарсозлик қоида ва нормаларини янгилашни талаб этади.

Президентимизнинг жорий йил 13 мартдаги "Ўзбекистон Республикасини қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони тизимда ислохотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тусиқларни камайтириш, инновация оғоялар, ишланмалар ва илгор аҳоли-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, қурилишнинг барча босқичларида шафқофликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Табиийки, қурилиш қўлами кенгайган сари қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам ортади. Маълумотларга қўра, айни пайтда юртимизда темир-бетон

ишлаб чиқаришга ихтисослашган қарийб 400 та корхона мавжуд. Биргина Жиззах ва Самарқанд вилоятининг ўзиде уларнинг сони 40 дан ортиқни ташкил этмоқда. Мазкур корхоналар томонидан ҳар йили 225 минг тонна темир-бетон маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Охириги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланди. Бу борадаги қонунчилик янгиланиб, инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар мустақкамланди. Бунинг натижасида барча соҳаларда хорижий инвесторлар иштирокидagi корхоналар сони ошди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мулжалланган

Айни пайтда юртимизда темир-бетон ишлаб чиқаришга ихтисослашган қарийб 400 та корхона мавжуд. Биргина Жиззах ва Самарқанд вилоятининг ўзиде уларнинг сони 40 дан ортиқни ташкил этмоқда. Мазкур корхоналар томонидан ҳар йили 225 минг тонна темир-бетон маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

инвестиция дастурига асосан, Оҳангарон туманида умумий қиймати 24 миллион евро бўлган янги лойиҳа амалга оширилди.

Тумандаги энг йирик қурилиш чиқиндилари тўпланувчи майдон ўрнида Ўзбекистон, Германия, Туркия сармоядорлари иштирокида қурилиш учун автоклап усулида газобетон блоклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Албатта, бугунги шароитда ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш асосий вазифадир, — дейди корхона таъсисчиси Ҳикмат Раҳматов. — Корхонамиз бир кунда 1 минг 500 куб метр махсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Махсулотимиз энгиллиги, энергия тежамкорлиги билан қурувчиларга манзур.

Қўшма корхонада газобетон блоклар автоклап усулида ишлаб чиқарилади. Бундай усул юртимизда биринчи бор қўлланилмоқда. Завод тўлиқ Германиянинг "Wehrhald" компанияси технологиялари билан жиҳозланган. Бир йил давом этган қурилиш-монтаж ишларидан кейин илк махсулот ишлаб чиқарила бошланди.

Мазкур завод иш бошлаши билан 100 та янги иш ўрни яратилди. Оҳангарондаги бу завод хозирча биринчиси. Маълумотларга қўра, яна тўртта ҳудудда ана шундай ишлаб чиқариш қувватлари фаолияти йўлга қўйилади.

Ҳамжиҳатлик

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ХАЛҚЛАРИНИНГ АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

ҳамиша яшнаб тургувчи дарахт илдизидек мустаҳкам

Бошланғичи 1-бетада

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори,
профессор

— Пиримкул ака! Хуросону Мовароуннахрнинг туб аҳолиси ҳисобланган ўзбек ва тожиклар азал-азалдан, асрлар давомида ҳамжиҳатликда яшаган, барча маънавий ва моддий неъматларни бирга кашф этган, ўз диёрлари учун жонларини фидо қилиб, душманларга қарши курашган халқлар ҳисобланган.

Сиз тожик халқининг таниқли ёзувчиси Пўлат Толиснинг “Саратон” киссасини ўзбек тилига таржима қилганингизда муқаддимда куйидаги байтни келтирган эдингиз:

*Куйласа, чолғуси бир,
Йилгаса, қайғуси бир.*


Истардимки, мана шу мисраларга сингдирилган фикрларни муҳлис-ларга батафсилроқ шарҳлаб берсангиз.

— Ҳамиджон! Шубҳасиз, ўзбегу тожик халқларининг узаро дўстлик ришталари жуда чуқур ва мустаҳкам илдизга эга. Шахсан мен ёшлигимдан ана шу мустаҳкам дўстлик илдизларидан маънавий озуқа олиб, камолотга эришганман. Камина Уратепа (Тожикистон) ҳудудининг ўзбеклар яшайдиган Кенгүл қишлоғида таваллуд топанман. Биласиз, Ўзбекистон ҳудудида қанча тожикзабон аҳоли истиқомат қилса, Тожикистонда ҳам шу қадар ўзбекзабон аҳоли мавжуд. Бунинг боиси эса минг йиллардан бери давом этиб келаётган “ён қўшни — жон қўшни” чилик, қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик, турмуш тарзининг ўхшашлиги, куй-қўшиқларнинг ҳамоҳанглиги, ошу таомининг, дўппию кийим, атласу адрасининг ўхшашлиги, шаклу шамойилининг, тақдир у ташвишларининг муштараклигидандир.

Бугунги кунда биз бу икки халқнинг муштарак тақдирларини ҳурмат қилган



Мен шу каби тарихий маълумотларга таяниб, турку тожик ва хинд уруғларига мансуб кўкалдош ва доялар ҳаёти ва тақдир тўғрисида асаримда муфассал баён этишга, тасвирлашга ҳаракат қилганман. Масалан, асли Хуросоннинг тожикзабон аҳолисидан бўлган ва Акбар билан бир онани эмиб катта бўлган Зайниддин кўкалдош 60 йилдан кўпроқ умрини иззату икром билан оқори мартабаларда ўтказган. Зайниддин кўкалдош Бобурнинг энг ишончли саркардаларидан ҳисобланган. Афғонистонда қалтис вазият эзга келганда, Акбар уни Кобул ҳокими этиб тайинлаган. Зайниддин тадбиркорлик билан у ердаги барча мушкул вазиятларни бартараф этган ва Акбар бошчилигидаги марказий ҳукумат билан Афғонистон алоқаларини яхши йўлга қўйган. Акбар кейинчалик ўгли Салимга Зайниддин кўкалдошнинг қизини олиб бериб, ўртадаги дўстлик ришталарини қуда-андачилик билан ҳам боғлаган ҳамда умрининг охиригача дўстлик ва кўкалдошлик расм-русумларига содиқ қолган. Албатта, бу икки халқнинг дўстлик ришталарига Фирдавсий “Шоҳнома”-сию Навоийнинг “Ҳамса” дostonларни катта маънавий мадад берган. Бобур ва унинг авлодлари ёшлик йиллариданок ўз она тили бўлган туркий тил билан бирга, форс тилини ҳам астойдил муҳаббат билан ўрганган ва ҳар икки тилда минглаб байт шеърлар ёд олган. Ушбу тарихий ҳақиқатга суюнган ҳолда асарда Бобурнинг ёшлик йилларини тасвирлар эканман, унинг туркий ва форсий шеърлардан бирдек завоқ олишини ушбу сатрларда ифодалаб бердим:



Қоши ёсинму дейин,
қўзи қаросинму дейин...

Зи мардони ҳаҳон мардий беъмиз...

Биринчи сатр Алишер Навоийга тегишли бўлса, иккинчиси Фирдавсий қаламига мансубдир. Бобурнинг “Шоҳнома”га бўлган муҳаббатини унинг Фирдавсийнинг қуйидаги байтини тошга ўйдириб ёздирганидан ҳам аниқлаш мумкин:


*Гирфтем олам бамардио зўр,
Ва леким набурдем боҳуд бағур.*

Тожикистонлик машҳур академик А.Мухторов Мастчоқ ноҳиясида тегишли Оббурдон қишлоғидаги қазимша ишлари пайтида мазкур байт битилган тошни топиб олган ва Душанбе давлат музейига тақдим қилган.

Бундай мисоллар шуни кўрсатадики, икки халқнинг маънавий бойлиги ва яқинлигини ифодаловчи Бобур амал қилган гўзал аъна унинг авлодлари томонидан ҳам янада сайқаллаштирилган, камолга етказилган.

— Яқинда “Авлодлар довоини” ни икки бора мутолаа қилиб чиқдим.

Асар мазмунига тинчлик-омонлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик, муҳаббат каби гоялар сингдирилган. Ҳукучи асарда бадиий санъатнинг нафосати тасвири билан биргаликда инсониятнинг руҳий ва маърифий ҳис-туйғуларини аниқлайди. Менимча, бу каби инсоний гоялар бугунги кун учун жуда муҳимдир. Тасаввур қилайлик, Ҳумоюнни қийин дамларда Мулло Сурх исми камбағал бир тожик йигит ўлимдан кутқариб қолади ёки юқорида айтиб ўтилганидек, Акбарнинг дояларидан бири маърифатли тожик аёлидир. Ёки бўлмаса, сиз асар давомида уз қаҳрамонингиз тилидан форс-тожик тилидаги бир қатор шеърлардан, мақол ва маталлардан намуналар келтиргансиз. Айтнинг-чи, буларнинг бари адабий ҳамкорликларнинг нишонларими ёки



сизнинг ижодий ниятингиздан келиб чиққан ифодаларими?

— Бобур ва унинг авлодлари, хусусан, Ҳумоюн, Акбар ва Гулбаданбегида тожик халқига нисбатан узгача меҳр ва ишонч яққол сезилади. Тожиклар аҳоли ҳам уларнинг бундай яқинлик ва ишончнинг ҳамшира оқлаган ҳамда уларга меҳру муҳаббат билан муносабатда бўлган. “Бобурнома”даги Дехқат қишлоғи бу фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Тожиклар истиқомат қиладиган бу қишлоқ ҳозир ҳам мавжуд. Мен бир неча марта у ерда меҳмон бўлганман. Бу қишлоқ ўзбеклар яшайдиган Оксуб, Мурияқ қишлоқларига яқин жойлашган. Бироқ Дехқат уларга нисбатан душмандан сақланиш учун жуда қулай жой. Шу сабабли Бобур қиш пайти қочқинда юрганда мазкур қишлоқда туриб қолган ва қишлоқ оқсоқолларидан бирининг уйда яшаган. “Бобурнома”да мазкур оқсоқолнинг 107 ёшли онаси алоҳида қайд этиб ўтилган. Икки дўст халқнинг меҳру муҳаббатини янада равшан кўрсатиш мақсадида асаримда шайбонийлар томонидан Уратепада мазкур оқсоқолнинг қўлга олиниши, гарчи шунчалик азобу ўқубатларга солинса-да, Бобурни сотмагани, бу пайтда эса Бобурнинг дарҳол Дехқатдан Исфара томон ўтиб кетиши натижасида хавфу хатардан омон қолгани ва шу туфайли меҳсонларнинг, яъни оқсоқоллар оиласининг ҳам душман қистовидан қутулгани ҳикоясини келтириб ўтганман. Бундан ташқари, Бобур ва Ҳумоюндан кўп яхшилик қўрган Мулло Сурх тимсолида Тар саҳросида Ҳумоюн ва унинг севиқли умр йўлдошини ўлимдан кутқариб қолган тожик халқининг танти ва мардлигини кўрсатишга ҳаракат қилганман.

— XV асрдан кейин кўп ўзбек ва тожик шоирлари зуллисоний, яъни ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. XIX аср охири ва

XX аср бошида зуллисонийлик аънаеси кенг ривожланган. Бу икки халқнинг аксарият шоирлари ҳар икки тилда дөвонлар битган. Жумладан, Зуфархон Жавҳарий исми тожик шоири ўзбек ва араб тилларида ғазаллар ёзган. Унинг ўзбек шоири Муқимий ва ўзбек қизи Офтобхон тўғрисида дostonи ҳам бор. Жалол Икромий, Фотиҳ Ниёзий, Фазлиддин Муҳаммадиев, Ҳасан Ирфон, Ҳабибулло Назаров каби тожик ёзувчиларининг асарларида ҳам ўзбек ва тожик фарзандларининг тимсоллари яратилган. Аини шундай файз сизнинг асарларингизни ҳам безаб тургани китобхонларга маълум. Ўзбек ва тожик халқининг адабий алоқалари И.С.Брагинский, Э.Шодиев, Н.Комилов, С.Воҳидов, М.Бақоева, А.Сайфуллоев каби олимларнинг тадқиқотларида ёзилган. Бироқ, афсуски, тожик шоирларининг ўзбек ёзувчилари асарларини тарғиб қилгани ёки, аксинча, ўзбек адабларининг тожик тилидаги мероси, уларнинг маданий ва адабий ҳамкорликларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар XX аср ва ундан кейинги даврларда жуда кам учрайди. Бу масалада сизнинг фикрингиз қандай?

— XX асрнинг дастлабки йилларида ўзбек ва тожик халқининг ёрқин дўстлик ришталари тўғрисида янги саҳифалар очила бошлаган эди. Бунга, айниқса, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий ҳамда Абдулхамид Чўлпон алоҳида эътибор қаратган. Масалан, биринчи адабий журнал бўлмиш “Ойина” икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида нашр этилган.

Бехбудий тамал тоши қўйган драма санъати Ҳамза Ҳақимзода учун ҳам катта воқеа бўлган эди. Афсуски, адабиётшуносларимиз ҳали бу давр адабий муҳити ҳақида етарлича тадқиқот олиб бормаган. Сўхбатимизнинг мавзусига оид бўлган шу нарсани таъкидлашни истардимки, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Фафур Гулом ва Абдулла Қаҳҳор каби адаблар форс тилини ҳам мукаммал билган. Улар бу билан қадимдан давом этиб келаётган классик аънаваларининг узвийлигини таъминлаган. Афсуски, шундай аънавалар муайян муддат анча заифлашиб қолди. Ваҳоланки, агар ўзбек олимлари форс-тожик тилини ёки тожик олимлари ўзбек тилини билмаса, тарихий манбалардан узоқлашади, тўғрироғи, тарихдан беҳабар қолади. Чунки тарихимизга оид жуда кўп манбалар икки тилда ёзилган. Масалан, камина форс-тожик тилидан хабардор бўлганим шарофатидан тарихий романлар устиди ишлаш менга жуда қулай. Бинобарин, ўтган шоиру ёзувчиларимизнинг хайрли аънаваларини давом эттириб, уни янада ривожлантиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз даркор.

Сўхбатимиз хулосасида яна бир бор Шайх Саъдийнинг БМТнинг Нью-Йоркдаги биноси пештоқиға таржимаси билан битиб қўйилган қуйидаги байтини эслаб ўтмоқчи эдим:

*Бани одам аъзои ядигаранд,
Ки дар офариниши зи як гавхаранд.
Чу узве бабард овард рӯздор,
Дигар узвхоро намонад қарор.*

Бани башарни аҳил ва иттифоқликда яшашга тарғиб қилувчи бу донишмандона байтлар маънавий ҳаётнинг асоси бўлиб, бу бир неча асрлар мобайнида ҳаммаслақ яшаётган ўзбек ва тожик халқига ҳам бевосита тааллуқлидир. Шу асос заминидеа дўстлигимиз худди ҳамшира яшнаб туривчи ва ҳеч қачон хазонга учрамайдиган дарахт мисоли нашоу намо топиб, самара беради. Бунинг учун эса доимо уни ўзимизнинг маънавий фазилатлар обихаёти ҳамда меҳру муҳаббат қуввати билан парваршиллаб туришимиз даркор.

— Тўғри айтасиз, азалий ва абадий дўстлигимиз тағзаминини бошқалар ҳавас қиладиган даражада янада мустаҳкамроқ қилиш, айниқса, ёзувчи ва олимларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Шайх Саъдий ишора қилганидек, дўстлик дарахтларини янада кўп экишимиз ва уларнинг ширин меваларидан тотилишимиз, аксинча, душманлик ҳолатларини ўртадан узиб ташлаб, ранжу машаққатларни бартараф этишимиз лозимдир.

*Дарахти дўстий лозимон,
Ки ками дил бабор орад,
Ниҳоли душмани баркан,
Ки ранжси бешумор орад.*

Қалби жаннатдек нурафшон ўзбек ва тожик халқларининг дўстлик дарахти янада хуррам ва ҳамшира яшнаб турсин, бу дарахтнинг мевалари бизнинг азалий пайвасталигимизга янада кучайтирсин, халқларимизга мададкор ва балоғардон бўлсин.

Тил – миллий ғуруримиз



Нигора ШАРИПОВА,
Олий аттестация комиссияси
раисининг маслаҳатчиси

Баъзи манбаларга кўра, дунёда етти мингга яқин тил бор. Шулардан бир юз йигирматаси давлат тили мақомига эга бўлиб, уларнинг ичидеа она тилимиз ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб тургани қалбларимизни фаҳрга тўлдириши табиий.

СЎЙЛАСИН АФРОСИЁБУ, СЎЙЛАСИН ЎРХУН ХАТИ...

Бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 31 йил тўлади. Бу тарихий ҳужжатнинг 1989 йил 21 октябрда, яъни мустақиллигимиз кўлга киритилганига қадар қабул қилинган унинг нақадар аҳамиятли эканини тeранoқ ҳис қилишимизга имкон беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиш арафасидаги дастлабки дадил қадамини ўзбек тилига давлат тили мақоми беришдан бошланди. Бу билан тилимизни сақлаш, тиклаш, асраш, юксалтириш учун ҳуқуқий замин яратилди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат тил эрки, озодлиги, тараққиётининг миллат тақдирига, миллий ҳурриятга ниҳоятда чамбарчас боғлиқ эканини, миллат ва тил тақдирини узаро мустаҳкам ришта билан пайванд этилганини намоён этиди.

2019 йил 4 октябрда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида” ги қонун қабул қилинишининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги қарори ва бу муҳим сана муносабати билан она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширишга қаратилган оммавий маънавий-маърифий чорат-тадбирлар дастури қабул қилинди. Айтиш жоизки, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, тилимизга давлат тили мақоми берилганидан кейинги давр мобайнида Тил байрами биринчи марта шу қадар юксак даражада, катта эҳтиром ва обрў билан ўтказила бошлади. Бу эса давлат тили сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда халқни бирлаштирувчи кудратли восита бўлиб, давлатнинг чинакам рамзига айланганидан далolat беради.

“Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқнинг давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида фоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир”, дейилади ушбу қарорда. Дарҳақиқат, ўзбек тили бугунги кунга кўп минг йиллик тарихий тараққиёт йўлини мардонорвор босиб келмоқда.

Ўрхун-Энасой ёдгорликларидеа биткилардан тортиб, ҳозирги вақтга яратиб келинаётган илмий, адабий, маънавий-маърифий манбалар ўзбек тилининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари, адабий ифодаси, маъно қатламлари, луғат таркиби тўғрисида атрофлича ва асосли маълумотлар бера олади. Шу билан бирга, кейинги авлод вакиллари, XX-XXI аср маърифати, адабиёти намояндалари, тилшунос ва адабиётшунос олимлар ҳам ўз бадиий, ижодий, илмий фаолияти билан ўзбек тилининг адабий, маънавий-маърифий бойлиши ва юксалишига катта ҳисса қўшганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбек халқининг буюк маърифатпарвари ва алломаси Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур”, деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, биз аждодларимиз қолдирган моддий-маънавий меросини, узоқ ва яқин ўтмиш ҳаёт лавҳаларини, давлатчиликимизнинг тарихий асосларини, миллий қадрият ва аънаваларимизни ана шу миллий тил воситасидеа янада чуқурроқ аниқлаймиз, ўзлаштираймиз, мустаҳкамлаймиз, келажак авлодга

етказилишини таъминлаб бера оламиз.

“Она тилида фикрлашга, тоза гапиришга, нутқингизни ҳар хил ёт нурулардан сақлашга ҳаракат қилинг. Қаерда ва ким бўлмасин, она тили камситилишига йўл қўймасин. Тил мавсумий либос эмаски, об-ҳавонинг ўзгаришига қараб алмаштирилса, оназор, Ватан, миллат — ҳар бири биттадан, она тили ҳам битта. Агар ўз халқингиз орасида гунгалак-соқов ва ёт бўлишни истамасангиз, она тилини пухта ўрганинг. Бошингизга кўтаринг. Киши бошқа тилда билмили бўла олади, аммо фақат ўз тилида бекаму кўст бўлиши мумкин”, деб ёзган эди устоз олим Ғайбулла Саломов.

Таъкидлаш жоизки, илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-мафкуравий ўзгариш ва юксалишлар, дунёвий ҳамкорлик ва алоқалар бевосита тилга ҳам ўз таъсирини ўтказида: адабий тил луғат таркибидеа, маъно қатламларида эскириш, янгилаш жараёнлари кенади, ҳаттоки тилнинг грамматик табиатида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Айтмоқчимизки, тил вақт ўтиши билан тарих зарварларидеа белгила берилган конуниятлар асосидеа ўзгариб, ривожланиб бориш хусусиятига эга. Шунга қарамаи, давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш учун ваколатли органнинг зарурати сезилиб туради.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги фармониға биноан, давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси тизимидеа Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди ва бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда.


Янгилаётган Ўзбекистоннинг бугунги босқичи — миллий юксалиш даврида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани ҳам тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, она тилимизнинг нуфузини янада ошириш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлашни доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидеаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Хуллас, тил жамиятнинг асосий таянчи, инсоний мулоқот-муносабатларнинг бирламчи воситаси, миллат руҳи ва давлатчилик тақдиридир. Ҳар бир халқ ва миллат, давлат ва жамиятнинг ўтмиши, бугуни ва келажакини, унинг мавжудлигини биргина омил — она тили билдириб туради. Тил мулоқот зарурати туфайли яралган, бу жараёнда инсоният яратган барча янгиликларни, тафаккур меваларини аниқлаш, авлоддан-авлодга етказиб, авайлаб-асраб келади.

Шундай экан, тилимизни эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги мақоми, жамиятдаги мақомини юксалтириш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳидеа тарбиялаш ҳамшира долзарб маънавий бурчимиз бўлиб қолади. Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосидеа тараққий этган тиллар сафига қўшиш ҳар биримиздан миллий тилга чуқур ҳурмат билан ёндашишни талаб этади. Зеро, тил бор экан, миллат барҳаётдир.

Адиблар хиёбонидаги ўйлар

“ВАТАН! МЕНИНГ БОР ҚИСМАТИМ ШУ БИР СЎЗДА ҲАЛ”



Ўқтам УМУРЗОҚОВ,
Республика олий таълим кенгаши раиси,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори

яратувчиларини улуғлайди, эҳтиром кўрсатади. Бу эса ана шундай соҳа намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ҳукумат даражасига кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, давлатимиз мадҳияси муаллифи Абдулла Орипов ижодини ёшлар орасида кенг ўрганиш ва оммавий тарғиб қилиш Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти жамоасига ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шоир мустақиллик йилларида адабиётнинг турли жанрларида сермахсул ижод қилди. Шу даврда тарихий адолатнинг тикланиши, ўтмишда яшаган саркарда ва алломалар хотирасининг эъзозланиши Абдулла Ориповни “Соҳибқирон” шеърӣ драматикси ёзишга илҳомлантирди.

Халқ шоири бу асарда қарийб уч аср давомида ҳукм сурган қудратли теурийлар салтанатининг асосчиси ва XV аср Шарқ Уйғонши даврининг бошланишига ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий шароит яратган Амир Теуур образини ёрқин гавдалантириб берди. Мазкур асар республиканинг барча йирик театрлари ва қардош мамлакатлар сахналарида катта муваффақият билан намойиш этилди.

Абдулла Орипов жаҳон адабиёти дурдона асарларини ўзбек китобхоналарига етказишда ҳам самарали меҳнат қилди. Уз навбатида, унинг асарлари ҳам рус, инглиз, болгар, турк, украин, туркман, озарбайжон каби кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. Абдулла Орипов Калифорния (АҚШ) Фан, таълим, саноат ва саноат халқро академиясининг ҳақиқий аъзоси, Сока университети (Япония) профессори, Ўзбекистон миллий энциклопедияси тахрир ҳайъати аъзоси эди.

Абдулла Орипов қизгин ижод билан шуғулланаётган кезлари институтимизга тез-тез ташриф буюрган. Улуғ шоир билан ўтказилган ҳар бир ижодий учрашув профессор-ўқитувчиларимиз ва талаба ёшларимиз учун чинакам байрамга айланиб кетар эди. Болалик пайтларида катта ҳаёт таърибасига эга сувири-ирригатор шоирнинг шеърларига баҳо бериб, ўзи бевосита кўрган ва кўнгилдан ҳис этган ҳақиқатларни ёзиш ҳақида қимматли ўғитлар берганини бот-бот аслаганлари ҳануз ёдимизда.

Институтимизда Абдулла Орипов ижодини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, шоир ҳаёти ва ижод йўлига бағишланган кўплаб маънавий-маърифий, бадий ва ижодий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Адиблар хиёбонида буюк ва суюқ адабимиз Абдулла Ориповнинг разми сиймоси қошида режа асосида факультетлар, бўлимлар томонидан шоирни ёд этиш мақсадида эл таниган ижодкорлар, адибнинг замондошлари, институтимиз профессор-ўқитувчилари ҳамда адабиёт ва шеърятга ихлосманд ёшлар иштирокида 20 га яқин маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Бугун мамлакатимиз ва халқимиз синовли даврини бошдан кечирмоқда. Шунга қарамай, ёш авлодга таълим-тарбия бериш ўтказилди. Бу каби ишлар янги ўқув йилида ҳам давом эттирилмоқда.

Шунингдек, Абдулла Орипов ижодига бағишланган abdullaoripov.tiame.uz сайти ишга туширилди. Ҳозирги кунда 3 тилда (Ўзбек, рус, инглиз) сайт саҳифалари адиб ижоди намуналари билан тўлдирилмоқда. Уйламанки, мазкур сайт талаба ёшлар маънавий киёфасини юксалтиришда муҳим ўрин тутди.

Бугунги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асрида инсон дунёқара-

шининг шаклланишида ижтимоий тармоқларнинг ўрни ва аҳамияти катта эканини ҳисобга олиб, шоир ижодини янада оммалаштириш ва тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида https://t.me/tiame_abdulla_oripov канали ташкил этилди. Мазкур каналда институтимиз талабалари шоир ижодини мунтазам тарғиб этмоқда.

бугунги навқирон авлодлари ҳам улуғ шоир издошлари эканидан ифтихор қилиш баробарида унинг бой ижодий таърибасидан сабоқ олаётгани Абдулла Орипов яратган шеърӣ мактабининг миқёси нечоғлиқ катта экани исботидир. Абдулла Орипов ижодини талаба ёшлар




Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаётган, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги оламшумул ишларга бел боғлаган фидойи, заҳматкаш халқимиз, дунёнинг ҳеч бир мамлақати ёшларидан қолишмайдиган, интеллектуал салоҳияти юқори фарзандларимиз бор.

Жамият ҳаётининг барча соҳаси қатори миллий адабиётимиз ҳам том маънода янгилаштириш ва юксалиш жараёнларини бошдан кечирмоқда. Ўзбек адабиётининг шеърӣ султони деганда, аввало, Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Қодирӣ, Ойбек сингари ўз халқи учун нафақат ноёб истеъдоди, айни пайтда бутун ҳаётини бағишлаган буюк ва мўътабар инсонларни тасаввур этамиз.

Истиклол йилларида халқимиз босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, кўз олдимизга дарров Ватан ва юрт туپроғини муқаддас деб билган, халқ ва миллатини юксак даражада тараққий этган, қадрлаган ва улуғлаган Абдулла Орипов, Озод Шарофидинов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад каби сиймолар гавдаланади.

Президентимиз ташаббуси билан ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида ташкил этилган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор Адиблар хиёбони буюк шоиру ёзувчилар хотирасига юксак эҳтиром, қолаверса, уларнинг ижодий мероси ва илм чашмаларини авлоддан-авлодга етказишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Улуғ адиблар ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш ишининг муайян олий таълим муассасаларига юклатилиши замирида ҳам теран маъно бор. Чунки халқимиз адабиётни ва унинг



Қолаверса, Абдулла Ориповнинг оила аъзолари ва институтимиз ўртасида яқин алоқа ўрнатилган, профессор-ўқитувчи ва ходимлар ижодкор уйига ташриф буюриб, адиб олами билан яқиндан танишиди. Шоирнинг эълон қилинган ижод намуналарини китоб шаклида чоп этиш буйича ишлар олиб борилмоқда.

Келгуси йил Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва шу муносабат билан республика миқёсида конференция ўтказиш, шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм ишлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Биз ташкил этаётган “Абдулла Орипов издошлари” тўрағи, Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби билан ҳам-корликда амалга оширилган тадбирлар ёшлар қалбида адабиётга муҳаббат, ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғуларини кучайтиришга ишонамиз. Яқинда Абдулла Орипов ижодига бағишлаб ўтказилган онлайн форумда атоқли ижодкорлар ва адабиётшунос олимлар, улуғ шоирнинг яқин дўстлари, рафиқаси ва фарзандлари иштирок этди.

“Тафаккур томчилари” рункида улуғ шоир ижодийи, унинг серқирра фаолияти, адабий-эстетик ва ижтимоий-фалсафий қарашларини ёритиш ҳамда таҳлил этишга қаратилган курсатувлар тайёрланмоқда. Оммавий ахборот воситаларида ҳам Абдулла Орипов ижодига бағишланган 20 га яқин туркум чиқишлар амалга оширилди. Ижодкорнинг яқин дўстлари, шоғирдлари, оила аъзолари кўхлатларидан талаба ларимизни баҳраманд қилиш учун “Интервью бурчаги” видеодастурини ҳам ташкил этдик. Абдулла Орипов шеърӣятидан таъсирланган талабаларимизнинг ижод намуналаридан тузилган “Илҳом булоқлари” тўпламини алоҳида китоб ҳолида чоп этирдик. Буларнинг барчаси улуғ шоир ҳаёти ва ижодини атрафлича ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ қилиш борасидаги дастлабки қадамларимиздир. Бу борадаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Шу билан бирга, шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган музей ташкил қилиш, ижодкор адабий меросини ўрганишга бағишланган онлайн-вебинарлар ўтказиш, адиб тўғрисида ўсган қашқадарё вилоятининг Косон туманига талабалар саёҳатини уюштиришни ҳам режалаштирганимиз.

Абдулла Орипов — ўзбек шеърӣятда мактаб яратган ижодкор. Замонамизнинг машҳур шоиру адибларининг, жумладан, Ўзбекистон халқ шоирлари Мухаммад Юсуф, Усмон Азим, Маҳмуд Тоир, бугунги кунда Ёзувчилар уюмасига раҳбарлик қилаётган Сирожиддин Саййид, атоқли шоирларимиз Азим Суён, Саъдулла Ҳаким ва Эшқобил Шукрунинг чинакам шеър қандай ёзилишини, ижодий маҳорат сирларини Абдулла Ориповнинг бетакрор асарларидан ўргангани ҳақидаги эътирофлари ва хотиралари бунинг ёрқин исботидир. Ижодкорларнинг

орасида кенг тарғиб этиш, шубҳасиз, яна кўплаб истеъдодли шоиру адибларнинг етишиб чиқишига, охир-оқибатда адабиётимизнинг, маънавиятимизнинг юксак тараққийсига хизмат қилади.

Ватан ва халққа бўлган муҳаббат туйғусининг бошқа бирорта ҳам ижодкорни такрорламайдиган тарзда ифодаланиши Абдулла Орипов шеърӣятининг асосини, асл моҳиятини ташкил этади, дейилса, асло муболага бўлмайди. Ижодининг дастлабки кезларидаёқ шоирнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” дея савол қўйгани, “Юртим, сени фақат бойликларинг-чун Севган фарзанд бўлса, кечирма асло” тарзидаги барча замонларда ҳам аҳамиятини йўқотмайдиган, ўқувчининг қалбини тўлқинлантириб юборадиган бетакрор хулосани ифода этгани ушбу фикрни тасдиқлайди. “Ўзбекистон — ватаним манми” — улуғ шоир ёзган “Ўзбекистон” қасидасининг ҳар бир бандида такрорланиб келувчи бу сўзлар халқимизнинг ҳар бир фарзанди қалбида акс садо бергани, бугун ҳам Ватанга муҳаббат туйғусини кўнгилларга теран жойлаётгани асло сир эмас. “Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал”, деб ёзган атоқли ижодкор ана шу сўзларига ҳаётда ҳам бир умр тўлиқ амал қилиб яшаганига гувоҳимиз.

Шоир ҳар доим она Ватанимизнинг юксак даражада тараққий этишини, халқимиз ҳаёти тўқис ва фаровон бўлишини орзу қилди. Она юртининг айнан бугунги кундагидек янги даври замонларга юз буришини истади. Ана шу орзу-истакларини шеърға солди:

*Мана, мен — Ўзбекман, қўлимда тугим
Ва барча аълолим битилган китоб.
Шунинг ичидадир борим ва йўғим,
Шунинг ичидадир мен учун офтоб.*

*Ўзбекман, ишиоолоҳ, иймоним бутун,
Тилим қисқ эмас башариётдан.
Кимгадир тенгдирман, кимдандир устун,
Зувалам қорилган салмиётдан.*

Бундай шеърларни ўқиганда таъсирланмаслик, руҳий озуқа олмаслик мумкин эмас. Самимий туйғулар ўтли сатрларда ифодаланган бу каби шеърлар ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириши аниқ. Шунинг баробарида бундай шеърлар навқирон шоиру адиблар учун ўзига хос ижодий сабоқлар бериши ҳам аён.

Ижтимоий адолатни таъминлаш, халқни рози қилиш — бугунги кунда Президентимиз раҳбарлигида давлат сиёсатининг асосини ташкил этаётгани сир эмас. Абдулла Орипов шеърларида ушбу ғоялар кўнгилларга титроқ соладиган даражада бетакрор ва таъсирчан ифодалангани кишини ҳайратга солади:

*Аён гапки, адолат элнинг кўз, қоши бўлур,
Ургани ун ошшо, сўкса сўк оши бўлур.
Юрт оғирин тортолган асли юрт боши бўлур,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.*

“
Ватан ва халққа бўлган муҳаббат туйғусининг бошқа бирорта ҳам ижодкорни такрорламайдиган тарзда ифодаланиши Абдулла Орипов шеърӣятининг асосини, асл моҳиятини ташкил этади, дейилса, асло муболага бўлмайди.

Ватанга, халққа муҳаббат туйғуларини юксак маҳорат билан тасвирлаш, она юрт истикболининг буюк бўлиши орзусини ҳароратли мисралар орқали ўқувчи қалбига кўчира билиш жиҳатидан ҳам Абдулла Орипов барча замондош ижодкорларга ва ёш истеъдодларга унутилмас сабоқлар бера олди. Шоирнинг мана бу сатрлари эзгу ва пок ният ифодаси, келажакка бўлган ишонч туйғусининг кучли экани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга:

*Меҳнат ҳам бор, шавкат ҳам бор,
каровон ҳам бордир,
Дунё ҳавас айлагулик Сарбон ҳам бордир.
Фотиҳага қўл оч энди, бут бўлсин қаср,
Ўзбекистон асри булғай шаксиз бу аср!*

Ҳақиқатан, бугун она Ватанимиз карвони жаҳоний миқёсдаги юксак тараққийет манзилларига юзланиб турибди. Она Ўзбекистонимизнинг халқро нуфузи кундан кунга юксалаётди. Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаётган, жамият ҳаётининг барча жабҳасини ислоҳ қилиш борасидаги оламшумул ишларга бел боғлаган фидойи, заҳматкаш халқимиз, дунёнинг ҳеч бир мамлақати ёшларидан қолишмайдиган, интеллектуал салоҳияти юқори фарзандларимиз бор. Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тарихий аҳамиятга эга нутқидан Учинчи Ренессанс даврининг мустаҳкам пойдевори яратилаётганига алоҳида ургу берди. Ана шундай юксак ғояларга интилиш, шубҳасиз, ҳар бир ватандошимиз қалбида ғайрат ва шижоатни, ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғуларини кучайтиради. Булар барчаси бутун халқимизни, биз, зиёлиларни, келажакимиз бўлган ёш авлодни, улуғ шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, яшаётган асримиз Ўзбекистон асри бўлишига ишонтиради.